

# Шавкат Мирзиёев Ашхободга келди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Ашхобод ҳалқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ботир Атдаев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Президенти ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари эртага, 21 октябрь куни бўлиб ўтади.





Озбекистон Республикаси Президентининг  
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

**Манба**